

Buxoro davlat universiteti
o'quv-metodik kengash 5-sonli
yig'ilishining bayonnomasidan

K O' C H I R M A

29.12.2021

Buxoro shahri

K U N T A R T I B I:

1. Turli masalalar.

Umumiy va noorganik kimyo kafedrası professor-o'qituvchilari M.S.Sharipov va D.M.Tilloyevalarning 5140500-Kimyo ta'lim yo'nalishi uchun "Решение задач по аналитической химии" deb nomlangan metodik qo'llanmani tavsiya etish.

E S H I T I L D I:

M.Y. Farmanova (kengash kotibasi) - Umumiy va noorganik kimyo kafedrası professor-o'qituvchilari M.S.Sharipov va D.M.Tilloyevalarning 5140500-Kimyo ta'lim yo'nalishi uchun "Решение задач по аналитической химии" deb nomlangan metodik qo'llanmani nashrga tavsiya etishni ma'lum qildi. Ushbu metodik qo'llanmaga: BuxMTI, Kimyo kafedrası mudiri t.f.n., dotsent V.N.Axmedov va BuxDU, Umumiy va noorganik kimyo kafedrası dotsenti, t.f.n., X.K. Razzokovlar tomonidan ijobiy taqriz berilgani ta'kidlandi. Metodik qo'llanma muhokamasi haqidagi Tabiiy fanlar fakulteti (2021-yil 11-dekabr) va Umumiy va noorganik kimyo kafedrası (2021-yil 17-noyabr) yig'ilish qarori bilan tanishtirdi.

Yuqoridagilarni inobatga olib o'quv-metodik kengash

Q A R O R Q I L A D I:

1. Umumiy va noorganik kimyo kafedrası professor-o'qituvchilari M.S.Sharipov va D.M.Tilloyevalarning 5140500-Kimyo ta'lim yo'nalishi uchun "Решение задач по аналитической химии" deb nomlangan metodik qo'llanma nashrga tavsiya etilsin.

O'quv-metodik kengash raisi

R.G'. Jumayev

O'quv-metodik kengash kotibasi

M.Y. Farmanova



Бухоро давлат университети Умумий ва ноорганик кимё кафедраси
профессор-ўқитувчилари М.С.Шарипов ва Д.М.Тиллоева томонидан
тайёрланган «Решение задач по аналитической химии» номли методик
қўлланмасига

ТАКРИЗ

Аналитик кимё фанидан тайёрланган ушбу ўқув-методикавий қўлланма университетларда кимё таълим йўналиши бўйича рус тилида тахсил олаётган талабалари учун «Аналитическая химия» курсидан амалий машғулотлардаги билим ва кўникмаларни ошириш учун тайёр ишланма сифатида қўлланиш даражасида тайёрланган бўлиб, ундан нафақат ўқув жараёнида балки илмий-тадқиқотлар ҳамда республикамиз ишлаб чиқариш саноат корхоналари лабораторияларида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Методик қўлланмада 4 та асосий бўлимга оид 7 та бобда мавзуларни батафсил баёнлари ҳамда уларга тегишли масалалар ечиш рус тилида қисқа, аниқ ва раван баён этилган бўлиб, ечимларни изоҳлаб ва назорат машклари ҳар бир боб учун келтириб ўтилган.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 5140500 - кимё таълим йўналиши учун тасдиқланган амалдаги Аналитик кимё фани ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда фаннинг барча бўлимларига оид масалалар ечиш усуллари баён қилинган. Методик қўлланмада берилган масалаларни ечишда қўлланадиган методлар аксарияти замонавий кимёвий ва физик-кимёвий анализ методларига мос ҳолда танланган.

Қўлланма қўлёзмаси 84 бетдан иборат бўлиб, у 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб амалдаги Аналитик кимё фанидан ўқув дастурига асосан амалий машғулотларда фойдаланилиши талабаларни соҳадаги етук мутахассиси бўлиб етиши учун дастур-ул амал бўлади деган умиддаман. Юқоридагиларни инобатга олиб муаллифларнинг «Решение задач по аналитической химии» номли услубий қўлланмасини чоп эттиришга тавсия этаман.

Такризчи:

Бухоро давлат университети
«Умумий ва ноорганик кимё»
кафедраси доценти, т.ф.н., доц.



Х.К. Раззоков

15.11.2021.

Бухоро давлат университети Умумий ва ноорганик киме кафедраси
профессор-ўқитувчилари М.С.Шарипов ва Д.М.Тиллоева томонидан
тайёрланган «Решение задач по аналитической химии» номли методик

қўлланмасига

ТАКРИЗ

Муаллифлар томонидан бакалавриат 5140500 – кимё таълим йуналиши учун аналитик кимё фани бўйича тайёрланган мазкур методик қўлланма 2020 йил вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув фан дастури асосида тайёрланган рус тилидаги ўқув-методик адабиёт ҳисобланади. Унда аналитик кимёдан кимёвий ва физик кимевий усулларига оид назарий ва амалий машгулотлар ўтказилиши бўйича етарлича маълумотлар келтирилган. Унда келтирилган назарий материаллар бўйича намунавий машқ ва масалалар ечишнинг қулай ва рационал услубиети, шунингдек талабаларнинг билимини мустаҳкамлаш мақсадида назорат машқлари ҳам берилган.

Қўлланма нафақат айни ихтисослик, балки кимёдан бошқа биология, экология ва тупрокшунослик таълим йуналишлари билан биргаликда олийгоҳларнинг кимёвий технология таълим йуналишларида тахсил олаётган талабаларига ҳам аналитик кимё соҳасига тегишли мавзуларидан амалий машгулотларини ўтказиш учун фойдали методик қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб Бухоро давлат университетининг кимё кафедраси доценти муаллифлар томонидан тайёрланган «Решение задач по аналитической химии» номли ўқув-методик қўлланмасини замон талаблари даражасида тайёрланганлигини эътироф этаман ва уни чоп эттиришга тавсия қиламан.

Такризчи:

Бухоро муҳандислик технология
институтини “Кимё” кафедраси муdiri
12.11.2021.



т.ф.н., доц. В.Н.Ахмедов

Бухоро давлат университети Табний фанлар факультети

Илмий кенгашининг 4-соили

йиғилиши баённомасидан

КЎЧИРМА

Бухоро шаҳри

2021 йил 11-декабрь

Кенгаш раиси: Э.Д. Ниёзов

Кенгаш котиби: Ф. Нурутдинова

Жами кенгаш аъзоси: 25 нафар

Қатнашди: 23 нафар кенгаш

аъзоси

КУН ТАРТИБИ:

7. Турли масалалар.

7.1. Умумий ва ноорганик кимё кафедраси профессор-ўқитувчилари М.С. Шарипов ва Д.М. Тиллоеваларнинг ҳамкорликда тайёрлаган "Решение задач по аналитической химии" номли 5140500 - Кимё таълим йўналиши рус гуруҳ талабалари учун методик қўлланмасини университет ўқув-методик кенгаш муҳокамасига тавсия этиш тўғрисида.

ЭШИТИЛДИ:

Э.Д. Ниёзов кенгаш аъзолари ва йиғилганларни “Умумий ва ноорганик кимё” кафедраси профессор-ўқитувчилари М.С. Шарипов ва Д.М. Тиллоеваларнинг ҳамкорликда тайёрлаган "Решение задач по аналитической химии" номли 5140500 - Кимё таълим йўналиши рус гуруҳ талабалари учун методик қўлланмасини университет ўқув-методик кенгашга тавсия этиш тўғрисидаги масала билан таништирди. Методик қўлланмани чоп этишга рухсат беришни сўраб Умумий ва ноорганик кимё кафедрасининг 2021 йил 17-ноябрда ўтказилган 12-йиғилиши баённомасидан кўчирма, тақризчилар Бухоро муҳандислик-технология институти т.ф.н., доцент. В.Н. Ахмедов, Бухоро давлат университети Умумий ва ноорганик кимё кафедраси к.ф.н., доцент. Қ.А. Равшановлар томонидан ижобий тақриз берганликларини таъкидлаб ўтди.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Умумий ва ноорганик кимё кафедраси доценти, к.ф.н. Г.А.Худойназарова сўзга чикиб, йиғилганларга муаллифлар М.С. Шарипов ва Д.М. Тиллоеваларнинг ҳамкорликда тайёрлаган "Решение задач по аналитической химии" номли 5140500 - Кимё таълим йўналиши рус гуруҳ талабалари учун методик қўлланмаси намунавий дастур асосида тайёрланган. Мазкур қўлланма рус тилида ёзилган, ҳажми 85 бетдан иборат. Қўлланмани ёзишда замонавий манбалардан етарли фойдаланилганлигини ҳамда мазкур қўлланма оддий ва равон тилда, юқори илмий ва услубий савияда ёзилганлигини инобатга олиб, нашрга тавсия этишни таклиф қилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. М.С. Шарипов ва Д.М. Тиллоеваларнинг ҳамкорликда тайёрлаган "Решение задач по аналитической химии" номли 5140500 - Кимё таълим йўналиши рус гуруҳ талабалари учун тайёрланган методик қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги учун нашрга тавсия этилсин.

2. Ушбу қарорни тасдиклаш университет ўқув-методик кенгашидан сўралсин.

Кенгаш раиси:

Кенгаш котиби:



Э.Д. Ниёзов

Ф. Нурутдинова